



Инглиз ва ўзбек тилларида қисқартма отларнинг

қиёсий таҳлили

Муқумжон Ахунов Муҳаммадаминович
(PhD) филология фанлари бўйича фалсафа доктори

E-mail: muqumjon.axunov@bk.ru

Tel: +998979977443

Юсупова Шукрона Олимжон кизи

Андижон давлат чет тиллари институти

Инглиз тили ва адабиёти факультети талабаси

АННОТАЦИЯ

Инглиз тилида кенг тарқалган тил ҳодисалардан бўлмиш қисқартма отларнинг таҳлили, уларнинг таркибий тузилиши ва шу билан боғлиқ бўлган семантикасини ўрганиш ва шу асосда уларни ўзбек тилидаги қисқартма отлар билан қиёслаш, ҳар иккала тил учун умумий бўлган хусусиятларни умумлаштириш ва шу аснода қиёсланаётган тилларнинг ҳар бирига хос бўлган ҳодисаларни очиқ беришидир.

Калит сўзлар: ўзак сўз, аффикс, хол, аниқловчи ва қўшма от, қисқартма от, ибора.

ANNOTATION

Analyzing abbreviations, which are common linguistic phenomena in English, studying their structural structure and related semantics, and comparing them with Uzbek abbreviations, summarizing the features common to both languages, and thus identifying the phenomena specific to each of the compared languages. is to reveal.

Key words: root word, affix, score, determining and compound noun, abbreviation, phrase.

THE ROLE OF COMPOUND WORDS IN TH

Инглиз тилидаги барча сўзлар англатган лексик-грамматик маъноси, морфологик формаси ва ўзаро синтактик алоқага киришиши ҳамда гапдаги вазифасига кўра маълум гуруҳларга бўлиниб, улар грамматикада сўз туркумлари деб юритилади. Инглиз тилида сўз туркумлари грамматик формаларининг ўзгариши ва ўзгармаслигига кўра иккига бўлинади:

1. Ўзгарувчи ёки парадигмага эга бўлган сўз туркуми.
2. Ўзгармайдиган ёки парадигмага эга бўлмаган сўз туркумларига бўлинади.



От, сифат, олмошларнинг бир қисми айрим равишлар ва феъллар ўзгарувчи яъни парадигмага эга сўз туркумларини, қолганлари эса ўзгармайдиган сўз туркумларини ташкил қилади. Сўз туркумларининг гаптаги вазифалари уларнинг ўзига хос хусусиятини аниқлашдаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Айрим сўз туркумлари гапта мустақил гап бўлаги вазифасида келса, айримлари бу вазифани ўтай олмайди. Шунга биноан сўз туркумлари мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларига бўлинади.

Инглиз тилидаги от сўз туркуми мустақил сўз туркумларидан бири бўлиб, улар маъносига кўра предметни ёки предметлашганликни ифодалайди. Формасига кўра ўз парадигмасига ва гапта мустақил функциясига эга: **boy – boys, ox-oxen, children, knife-knives, wolf-wolves. Ann is a student.**

Ўзбек тилида ҳам от мустақил сўз туркумларидан бири бўлиб, у бошқа туркумлардан бир неча белги – хусусиятлари билан ажралиб туради. От сўзнинг лексик маъно ташувчи қисми (сўздаги бундай қисм лексема деб юритилади) предметлик маъносини англатади. Бундай маъноли лексема предметни ҳам, предмет деб тасаввур қилинувчи мавхум тушунчани, воқеа-ҳодисани, белгини ҳам англатади: китоб, дафтар, қиз, ўғил, ота, уй, ёғоч, йўлбарс, водий, темир, ёғ, ҳаёт, кулги, уйқу, туш, ҳазил.

Ҳозирги замон ўзбек тилида сўз ва сўзнинг негизи бир хил ифодаланди. Бошқача қилиб айтганда инглиз тилида сўзлар ўзак (**root**) ва негиз (**stem**) дан ташкил топсада, аслида негиз ва сўз бир-бири билан мослашади. Ундан ташқари айрим ўзак, негиз ва сўз бир хил бўлиши мумкин.

Масалан:

- | | |
|----------------------|------------------------|
| boyishness | - болалик, ўсмирлик, |
| copyist | – қайта кўчирувчи, |
| debator | – муҳокама қатнашчиси, |
| deseffication | – газлаштириш |



каби сўзлар ҳам негиз ҳам сўздир, аммо уларнинг ўзаги ҳар хил. Аммо кўп ўзакли сўзларда ўзакнинг сонидан қатъий назар, негиз ва сўз ўзаги бир хил бўлмайди.

Масалан: **grazfer** - чорвадор, **grinder** - қайроқ, **mother in -law** – қайнона, **forget-me-not** ва бошқа сўзлар икки ва ундан ортиқ ўзакдан иборат бўлсада, уларнинг негизи ясама (**grizfer, grinder**) ва қўшмадир (**goose-frease**) (ғоз ёғи), **goodwill** (яхши ният).

Грамматик форма ясовчи аффиксларнинг қўшилиши орқали сўзларнинг структураси ўзгармайди: **books, work-worked, long-longer** сўзларидаги **-s, -ed, -er**, суффикслари грамматик морфема бўлганлиги сабабли улар қўшилганда сўзлар соддалигича қолади.

Интернет маълумотларига кўра инглиз тилидаги “**noun**” сўзи лотинча “**nomen**”, яъни ном деган сўздан келиб чиққан.

Инглиз тилидаги от гапда эга, тўлдирувчи, хол, аниқловчи ва қўшма от кесимнинг бир қисми ваифасида ишлатилади.

John is an engineer.

I saw **a teacher** in the room.

A woman doctor is worked in this hospital.

Шунингдек инглиз тилидаги отларда иккита грамматик категория бўлиб, улар бирлик ва кўпликни ифодаловчи сон категорияси ҳамда бош ва қаратқич келишигини кўрсатувчи келишик категориясини ташкил этади. Аввало инглиз тилида отлар икки гуруҳини ажратишимиз керак, булар саналадиган ва саналмайдиган отларга ажратилади.

Countable: pen, book, bag, dog, room, table, lamp, box, fox, wolf child, girl.

Uncountable: dream, life, hope, gold, water, oil, love, knowledge.

Саналадиган (**countable**) отларнинг бирлик (**singular**) ва кўплик (**plural**) шакллари қуйидаги усуллар билан ясалади:

-s, -es; boy – boys, fox – foxes, bus – buses.



- en; child – children, ox – oxen.

Ўзакдаги ўзгариш орқали:

Man – men, goose – geese, foot – feet, mouse – mice, wife – wives, leaf- leaves, calf – calves.

Замонавий инглиз тилида отларнинг *singularia tantum* ва *pluralia tantum* каби турлари ҳам ажратилади. *Singularia tantum* фақат бирлик шаклига эга бўлган бирлик ва кўпликда ҳам шу шакллари ишлатилади; **milk, oil, water, fun, chalk, deer, cheep, swim, grouse** кабилар киритилади. **Nouns of pluralia tantum trousers, pouts, shorts, pyjamas, pickers, sougs, betters, goods, cloths, savings, winnings.**

Шунингдек, келишик категорияси ҳам инглиз тилида отларнинг ўзига хос жиҳатдан иккита саналсада, ҳозирги замон инглиз назарий грамматикасида олимларимизнинг сонини олтига деб қабул қилишмоқда: *accisative, vocative*. Интернетда ҳозирги замон инглиз тилида, яъни бир келишик тури қўшилмоқда:

Юқорида айтилган фикрларни ҳисобга олиб от сўз туркумига қуйидагича таъриф берилади: предмет ва маъносини англатиб, нутқда сон, келишик категорияларининг формасини олиб эга, тўлдирувчи, хол каби вазифаларда келадиган лексема от дейилади.

Шундай табиатли лексемалар от туркуми номи билан бирлаштирилади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги отларнинг грамматик категорияси ҳақида уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида кўр гапириш мумкин. Лекин бевосита мавзудан четланмаслик мақсадида отнинг семантик таснифи ҳақида сўз юритсак.

Тилшунослик тарихидан маълумки, тилдаги луғат бойлигини кўп қисмини от сўз туркумига мансуб лексемалар ташкил қилади. Энг тез ва сезиларди даражада бойиб боровчи сўз туркуми ҳам шу.

Юқорида биз отларни ҳар икки тиладаги ўхшаш жиҳатлари, уларнинг грамматик категорияларининг ифодаланиш усуллари, уларни фарқли жиҳатларини



кўриб чиқдик. Энди биз отларни семантик турларини таснифига ҳам турли олимларимиз турлича ёндашдилар:

В.А.Каушанскаянинг фикрича отлар атоқли (**proper**) ва турдош (**common**) отларга ажратилса, И.П.Иванова, В.В.Бурлакова, Г.Г.Поченков, Л.С.Бархударов, Д.А.Штелинглар ҳам ушбу фикрга қўшилиб, отларни юқоридаги турларга ажратганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бархударов Л.С., Штеллинг Д.А. Грамматика английского языка. – Москва: “Высшая школа”, 1963.
2. Blokh M.U., A Theoretical course of English grammar. – Москва: “Просвещение”, 1982.
3. Бўронов Ж., Бўронова М. Инглиз тили грамматикаси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1978.
4. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1973.
5. Дадабоева Т. Инглиз тили грамматикаси. – Тошкент: “Фан”, 2007.
6. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.